



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Uzuntumani, O‘zbekistonko‘chasi7-uy.191100, tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

20 ~~21~~ yil “ 22 ” yanvar - 2022

Uzun sh.

Туманнинг Ж.Пирназаров СИУ массивидаги туман захира ер фондидан фуқаро Курбонов Абдуманнон Абдумумин ўғлига боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этиш учун 2,5 гектар ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 23-моддаларига асосан, туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 14 ноябрдаги 178-сонли йиғилиш баёни ҳамда фуқаро А.Курбоновнинг аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Ж.Пирназаров номли СИУ, “Кўргонча” массивида боғдорчилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этиш учун ўтказилган танлов натижаси бўйича туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 14 августдаги 178-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Танлов ғолиби Курбонов Абдуманнон Абдумумин ўғлига фермер хўжалиги ташкил этиб, фаолият кўрсатиши учун Ж.Пирназаров номли СИУ массиви ер харитасининг 50-дала контуридан жами 2,5 гектар, шундан 2,5 гектар боғзор ер майдони 31 (ўттиз бир) йил муддатга ижарага берилсин.

3. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қорақулов)га туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

4. Янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги бошлиғи (А.Курбонов)га 10 кун муддат ичида туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази Узун туман бўлиmidан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш топширилсин.

5. Мазкур қарор нусхаси туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази туман бўлимига маълумот учун юборилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Н.Мажидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б.Турсунов

